
Маҳалла раисларининг навбатдаги ўқуви ўз ниҳоясига етди.

????Бугун даврнинг ўзи маҳалла раисларидан ташаббускорлик, фидоийлик ва ўз маҳалласи равақига, ободонлиги, фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилишни тақазо этмоқда. Аввал хабар берганимиздек Фарғона Давлат Университетида старт олган маҳалла раислари ўқуви 6 кун мобайнида ўтказилди. Ўқувлар давомида вилоятдаги тўртта сектор раҳбарлари шахсан ўзлари иштирок этиб, маҳалла раислари билан мулоқот ўтказдилар. Фикр мулоҳазалар ўртага ташланди. Риштон, Бешариқ, Бағдод ва Данғара туманларидаги фаолият олиб бораётган 241 нафар маҳаллалар раислари иштирок этдилар.

????Ўқув семинарларнинг барчасида Фарғона вилоят “Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш” бошқармаси бошлиғи Б.Холиқов, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигидан масъул вакил С.Муродов ҳамда Адлия, Молия, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар, Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш, Халқ таълими ва Ички Ишлар бошқармалари масъуллари иштирок этдилар. Улар маҳалла раисидан кутилаётган асосий вазифалардан бири бу ислохотлар ижроси сифатида ташаббускорлик, кучли билим ва салоҳият эканини таъкидлаб, энг асосийси бугун маҳалаларда айнан юртбошимиз сайи ҳаракатлари билан тизимли йўлга қўйилган кучли бешталиқ яни маҳалла раиси, хоким ёрдамчиси, ёшлар етказуви, хотин қизлар фаоли, профилактика инспектори биргаликда иш ташкил этиб, мурожаат ва муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал этиш, бунинг учун эса раис ўз навбатида кучли салоҳият эгаси бўлиши таъкидланди. Секторлар кесимида бириктирилган мутахассислар билан тизимли иш ташкил этишда юртбошимиз томонларидан чиқарилаётган қарор ва фармонларнинг ижросига алоҳида аҳамият қаратилишига тўхталиб ўтдилар.

????Бугун ўз якунига еткан ўқув семинарида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Б.Холиқов ҳамда вазирлик масъул вакили С.Муродов иштирок этиб барча маҳалла раисларига ўқувларда фаол иштирок этканликлари учун миннатдорчилик билдириб ўз сертификатларини тантанали топширдилар.

2022-08-01 08:18:12